

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 24 июлдаги “Тошкент шаҳрининг Миробод туманини комплекс ривожланиш ва реновация ҳудудининг чегарасини белгилаш ҳамда ушбу ҳудудда лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида”ги 473-14-0-Q/24-сонли қарори билан Истиклолобод МФЙ ҳудудида реновация лойиҳасини амалга ошириш бўйича **МАЛАКА БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**
Э Ў Л О Н

1. Малака босқичи бўйича танлов **2024 йил 3 октябр куни ўтказилади**. Малака босқичида иштирок этишга қизиқиш билдирган Инвестор қуйидаги ҳужжатлар тўплами билан ариза (эркин шаклида) (қуйидаги манзилган қоғоз ёки электрон ҳужжат шаклида) билан мурожаат қилади.

2. Инвестор (унинг таъсисчиси (иштирокчиси) ёки унинг ҳар қандай шоъба корхоналари, асосий компанияси, у боғлиқ бўлган ва (ёки) у томонидан жалб қилинган лойиҳалаштириш ва қурилиш ташкилоти охирги **5 йил ичида** реновация лойиҳаси доирасида **янги қурилиши** режалаштирилган объектни умумий майдонининг камида **ўн фоизи (2500 м²)** қурилиш тажрибасига (объектни фойдаланишга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда) эга эканлиги тўғрисидаги маълумотлар;

Инвестор таъсис ҳужжатлари тўғрисида маълумот;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумот охирги **10 кунликдаги** (резидентлар учун);

банкротлик белгилари ёки банкротлик тўғрисидаги қарорларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот (резидентлар учун).

3. Малака босқичида иштирок қилиш учун “Тошкент Инвест компанияси” АЖнинг Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ислом Каримов шох кўчаси, 51-уй (почта индекси: 100066, тел.: +998712100261, el.pochta: info@toshkentinvest.uz) манзилига **2024 йил 3 октябр кунига қадар ҳафтанинг душанба кунидан жума кунига соат 9⁰⁰ да 18⁰⁰ гача** ҳужжатлар қабул қилинади.

4. Ариза ва ҳужжатлар топшириш муддати бузилган ва (ёки) улардаги маълумотлар тўлақонли эмас ва ишончсиз деб топилган тақдирда, аризани кўриб чиқишни рад этилади. Бунда, Инвестор тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги учун шахсан жавобгар бўлади.

5. Комиссия аъзолари томонидан ариза ва ҳужжатлар **3 иш** кун ичида кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

6. Қабул қилинган қарорнинг кўчирмаси Компания томонидан **2 иш** куни муддатда Инвестроларга тегишлилиги бўйича юборилади.

"Тошкент Инвест
Компанияси" АЖнинг
"Реновация ва қурилиш"
лойиха офиси раҳбари



25.09.24.

И.Каримов